

ЮРТИМИЗДА ГИД-ЭКСКУРСАВОДЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА МИНОРАЛАР ТАРИХИДАН МАЪЛУМОТ

Буранова Камола Миртахировна

ЎзДЖТУ, Шарқ тиллари факултети, япон тили кафедраси

Стажёр ўқитувчиси

Аннотация : Мехмонлар сони тахминий 15-20кишидан иборат булган саёхатимиз учун минораларни асосий мавзу қилиб танладик. Сайёхларимиз кунчиқар мамлакатдан ташриф буюрган япония аҳолиси. Ер юзидаги энг қадимий халқлар каби, ўзбеклар ҳам қадимий халқдир. унинг тарихи узок ўтмишларга бориб тақалади. Юртимиз қадимдан ривожланиб келган, шаарсозлик илм фан соҳасида жуда ҳам катта ютуқларга эришган. Юртимизнинг кўрки бўлган минора-ю мадраса ва мақбаралари нихоятда салобатли бўлиб ўзга юрт сайёхларини ўзига жалб қилмоқда. Шаҳарсозликни ривожланишида миноралар ҳам катта рол ўйнаган. Ушбу мақола орқали минораларнинг қурилиш услуби, тарихи, маданияти ва вазифаларини ёритиб беришни ўзимизнинг асосий мақсадимиз деб билдик. Саёхатимиз умуй 7кундан иборат булиб, Тошкент-Хива-Бухоро-Самарканд-Тошкент йўналишида олиб борилади. Тошкентга Нарита-Тошкент хаво йуллари орқали учиб келган саёхатчиларимизни кутиб олиб, Тошкент-Ургенч хаво йуллари орқали Ургенч шаҳрига учиб кетамиз. Ургенчда маҳсус сайёхларимиз учун буюртирилган автобусга жойлашиб музей шаҳар булмиш Хива томон йўл оламиз. Бизнинг саёхатдан асосий мақсадимиз ҳар бир шаҳардаги миноралар-нинг тарихи ва архитектураси билан танишиб маълумот тўплашдир. Ургенчдан Хивагача бўлган масофа 35дақиқани ташкил этади, шу вақт ичида 30дақиқалик юртимиз тарихи ва миноралари ҳақида маҳсус ҳабарлар билан таништириб, 5дақиқа савол-жавоб ҳам олиб борамиз. Ургенч-Хива йўналишида транспортда қуйидаги келтирилган маълумотлар билан таништирамиз.

Калит сўзлар: Минора, қалъа, устун, пештоқ, кошинлар, майолика, мозаика, терракота, панжаралар, айвон.

Транспортда/Юртимиздаги қадимий обидаларимизни асраб авайлаш ҳар-биримизнинг бурчимиздир. Юртимизда эрамиздан аввал аждодларимиз шаҳарлар барпо этишган, шаҳарни баланд деворлар билан ўрашган, маданият жуда ҳам ривожланган. Қадимда юртдошларимиз зардуштийлик динига сиғиниб келишган, бу ҳақида **Авэсто** китобида ҳам турли маълумотлар келтирилган. Кушонлар империяси даврида эса **буддизм** давлат динига айланади

,бирок VIIIаср бошларига келиб юртимизни араблар босиб олишади.Гузал водийлар,баланд тоғлар,узун дарёларини куриб хайратланиб мовароуннахир деб атайдилар.**Мовароуннахир араб тилида икки дарё оралиғидаги шаҳар** деган маънони англатади. Араблар истилосидан сўнг ислом дини ва маданияти ҳам кириб келди.Шаҳарларда мадраса ва масжидлар курила бошланди.¹Мадрасалар араб тили грамматикаси,ислом дини ва маданиятини чуқур ўрганиш учун,масжидлар эса 5вакт намоз ўқиш учун булиб,масжид ва мадрасаларнинг яқинида албатта миноралар қад кўтариб турган,.Хурматли меҳмонлар бизнинг ўлкамиз буйлаб олиб борадиган саёҳатимиз ҳам улуғвор гўзал миноралар билан боғлиқдир.Келинг улар билан бирин кетин танишиб тарихидан хабардор бўламиз. Миноралар юртимизда исломгача бўлган даврларда ҳам курилган.Исломгача бўлган даврда ҳам архитекторлар ҳеч қандай механикасиз кўл меҳнати орқали мўжизакор улуғвор минораларни куришган.Миноралар карвон саройлари яқинида курилиб минора тепасида эртаю-кеч олов ёниб турганлиги сабабли карвонлар минорадаги оловнинг ёруғлиги орқали шаҳарни топиб келишган.**Минора** сўзи арабча суз булиб маёқ,олов ёниб турган жой,ёруғлик деган маънони билдиради.Миноранинг қандай маънони англатиши билан танишиб олдик, хурматли меҳмонлар сизлар билан юртимизнинг қадимий обидалари жойлашган шаҳарларига саёҳат килиб мўжизавий миноралар билан танишамиз. Саёҳатимиз Хива Бухоро Самарканд шаҳарларини уз ичига олган.Исломдан илгари барпо этилган миноралар карвонлар узоқдан миинора тепасидаги олов ёруғлигида керакли манзилни яъни шаҳарни қийналмай топиб келишлари учун барпо этишган бўлса исломдан кейинги минораларда албатта намоз вақти бўлганлигини билдириш учун **азон** чақириладиган жой сифатида фойдаланилган,яъни қунига беш маҳал намоз бошлашдан аввал имом минора юқорисига кўтарилиб азон чақириб тушган.Миноралар баланд килиб курилган бўлиб фундамент қисмининг диаметри кенг булган.²

Бизлар саёҳатимизни музей шаҳар деб номланувчи гўзал **Хива** шаҳридан бошлаймиз.Хива ичан қалъа ҳамда дишан қалъадан иборат бўлиб қалин девор билан ўралганлиги сабабли уни Музей шаҳар деб номлашади.Қадимдан Хива шаҳрига олис-олис мамлакатлардан сайёҳлар кела бошлаган,жуда хайратда қолишган.Хивага келган бир сайёҳ шундай деб ёзиб қолдирган-“Дунёдаги кўп мамлакатларда бўлдим,аммо Хивадай шаҳарни илк бора кўриб,томоша килиб,хайратимни яшира олмай турибман”.Хиванинг ички қалъа қисмида ҳам ташқи қалъа қисмида ҳам миноралар жуда яхши ҳолатдасакланиб қолган.Хиванинг **ичан қалъа** қисми **ички қалъа** деган маънони билдиради,**дишан қалъа** қисми **ташқи қалъа** деган маънони билдиради.

¹ Ю.Н.Алескеров «Самарканд» 37-52

² К.Худойбергенов.“Хива” Тошкент-2012 йил.34-42 бет

Тарихий маълумотларга қараганда XX асрнинг бошида Хива шаҳардаги минораларнинг ҳам сони 17та бўлганлиги аниқланган.

1. **Масжиди жума минораси**
2. **Ислон хўжа минораси**
3. **Поянда минораси**
4. **Мухаммад Аминхон минораси. Халқ тилида калта минор,Хоразм шевасида эса (*гўк минора*) ҳам деб аталади**
5. **Тура Мурод тура минораси**
6. **Сайид Ниёз Шоликорбой минораси**
7. **Полвон кори минораси**
8. **Абдол бобо минораси**
9. **Кабутархона минораси**
10. **Абду Карим оқсоқол минораси**
11. **Чилла авлиё минораси**
12. **Мухаммад махрам минораси**
13. **Бикажон Бика минораси**
14. **Богча Иброҳим хўжа минораси**
15. **Мусофирхона минораси**
16. **Турт Шохбоз минораси**
17. **Мухаммад Раҳимхон 11 минораси**

Автобуста/ Хива- марказий осиедаги энг қадимги қалъалардан бири бўлиб,Жахон цивилизациясига ўзининг катта хиссасини қўшган шаҳардир.Унинг бугунги кунгача сақланиб қолган меъморий обидалари бу шаҳарда яшаган аҳолининг турмуши маданияти ва санъати қай даражада ривожланган эканлигидан гувоҳлик беради.Сахрода меъморий обидаларнинг қурилиши бу маконда узига хос маданиятнинг юзага келтирилиши,бу халқнинг қадимийлигидан ва нақадар буюклигидан далолатдир.Бу заминдан етишиб чиққан Хоразмийлар,Беруний ва Замахшарийлар,Нажмиддин Кубро ва Пахлавон Махмудлар,Му-нис ва Огахийлар каби аллома ва ҳукмдорлар ҳам Хива Шаҳрининг гуллаб яшнашига уз хиссасини қўшишган.1967йил Хива шаҳрининг **ичан қалъа** қисми “очиқ осмон остидаги “меъморий музей-қуриқхона деб еълон қилинади.

Қадим замонларда **шарқ** билан **ғарбни** боғловчи” Буюк ипак йўли“ўтган Хоразмшоҳлар мамлакатини,жумладан хива қалъасини ҳам 712 йили араблар истило қилган.Қалъа 1221 йилдан мўғуллар империяси,1389 йилдан Темурийлар давлати таркибида бўлган.XVIаср бошида Хоразм яна ўз мустақиллигини тиклайди ва Хива шаҳрни ўз пойтахтига айлантиради.Шундан кейин,мамлакатХива хонлиги номини олади.

Пойтахт Хивага кўчгандан кейин, шаҳар аҳолиси тезликда кўпая бошлайди ва шаҳар ичкарасига сиғмай, ташқарида уй жойлар қуриб яшай бошладилар. Бу уйларда яшаётган фуқарони ҳам ҳимоя қилиш мақсадида 1842 йил Оллоқулихон яна бир қалъа девори қурдиради. Бу қалъа аввалги қалъани ташқаридан ўраб олгани учун эски қалъа ичкарида қолади ва Хиваликлар тили билан "Ичан-қалъа" номини олади. Икки қалъа девори ўртасидаги шаҳар эса "Дишан-қалъа" ("ташқари қалъа) номи билан аталади.³

Хива меъморий обидалари асосан тўртта тарихий даврда қурилган деб тахмин қилинади. Хива меъморий обидаларида қўлланилган ёғоч ўймакорлиги, тоштарошлик, ганж-корлик, наққошлик, сиркор сопол безак қўллаш санъати маҳаллий архитектура формалари билан боғлиқ бўлиб, улар воҳада ўзига хос меъморчилик мактаби мавжуд бўлгандан далолат беради. Хоразмда меъморчилик санъати асрлар давомида орттирилган тажрибага таяниб, Хива хонларининг қўнғирот сулоласи ҳукмронлиги даврида ўзининг юксак чўққисига чиқди ва Хоразмшоҳлар давридаги мавқеи ҳамда шуҳратига эришди. XX аср бошига келганда эса мамлакат пойтахти Хива шаҳрининг қурилиши ҳам ниҳоясига етиб бўлганди. Пойтахт Хива шаҳри, Марказий Осиёдаги энг катта илм-маърифат ва маданият марказларидан бирига айлантирилди.

Автобуста/Шундай қилиб хурматли сайёҳлар Хива шаҳри ҳақида бир оз маълумотга эга бўлдик, шу билан бирга тасаввурга ҳам эга бўлдик. Тасаввуримизни амалда кўриш мақсадида хурматли меҳмонлар автобусдан тушиб оламиз. Бизнинг саёҳатимиз асосан **миноралар** тарихи, архитектураси билан боғлиқ бўлганлиги сабабли асосий эътиборимизни минораларга қаратган ҳолда, яъни чуқурроқ ўрганиш мақсадида **минораларга** кўпроқ вақт ажратган ҳолда, бошқа объект(мажмуа)ларини ҳам назаримиздан четда қолдирмаган ҳолда биргаликда қизиқарли саёҳатимизни бошлаймиз. **Меҳмонларга эслатма:** Ўзингиз билан камера барча керакли буюмларингизни олиб олишни унутманг. Саёҳатимиз тушлиқдан кейин ҳам давом этиб тахминий маҳаллий вақт билан 5:00ларда ўз ниҳоясига етади, соат 5дан бгача бўш вақт берилиб, хурматли меҳмонлар ўзингиз яна бемалол томоша қилишингиз мумкин.

Ичан қалъанинг ички қисмида саёҳатимизни олиб боришдан аввал 5-10 дақиқа қалъа деворлари ҳақида маълумот бериб ўтамиз.

Пиёда саёҳат/ Қалъанинг деворлари. Кўўна ичан қалъа эрамиздан аввалги V1-Vасрларда қурилган. Қалъа деворининг узунлиги 2200 метр, умумий ички майдони 26 гектар, яъни шарқдан ғарбга 450, шимолдан жанубга 600 метрни ташкил этади. Шаҳардаги иккала қалъа девори ҳам хом лойдан ва айрим жойлари

³ К.Худойберганов "Хива" 21-28 бетлар

хом ғишдан 8-10 метр баландликда қурилган бўлиб, устида соқчилар, химоячилар ва арава юриш учун йўлак, тепа қисмидан ўқ отиш учун махсус тешиқлар қилинган. Деворнинг асоси 10-15 метрдан 20 метргача бўлиб, тепа қисми эса 4-5 метр қалинликда қурилган. Саёхатчиларимизни **ичан қалъа** бўйлаб саёхатга таклиф этамиз. Бизнинг саёхатдан асосий мақсадимиз **шаҳар миноралари** билан яқинроқ танишиш бўлганлиги сабабли, асосий эътиборимизни минораларга қаратамиз.

Объект(мажмуа) қаршисида. Кўк минора/Минора ҳақида саёхатчиларимизга тахминий 15-20 дақиқа маълумот берамиз. Саёхатчиларимиздан минора қаршисига йиғилишини илтимос қиламиз ва саёхатчиларимизга 20 дақиқа ичида минора тарихи, архитектураси ҳақида маълумот берамиз. Бундан ташқари 10-15 дақиқа савол-жавоб учун вақт ажратамиз. Яна меҳмонларимиз объектга яқинроқ келиб томоша қилишлари учун қўшимча вақт ажратамиз 15-20 дақиқа.

Кўк минора: Хурматли меҳмонлар бутун эътиборингизни қаршимизда турган жилвакор, гўзал минорага қаратишингизни сўрайман-деб минора тарихи, архитектураси ҳақида сайёҳларга маълумот берамиз: Хива миноралари ичида энг мўжизакор минора, **кўк минорадир**⁴. Кўк минора ичан қалъанинг ғарбий дарвоза қисмида жойлашган бўлиб гўёки ичан қалъани қўриқлаб тургандек савлатли, улуғвор кўринадиди. Балким шунгадир Хивалиқлар “ Кўк минора”ни яна “Улли минора “яъни(Хоразм шевасида)”Улуғ минора” ҳам деб аташади. **Минора** Мухаммад Аминхон даврида, унинг буйруғи билан мадрасанинг ёнгинасига қурилган. Миноранинг кўриниши кесик конус шаклида бўлиб, баландлиги 28 метр, диаметри 14,5 метрдан иборатдир. Минора ҳақиқатда кесик конус шаклида бўлганлиги учун ҳам маҳаллий аҳоли уни “**Қалта минос**” деб аташни яхши кўришади. Бундан ташқари яна “**Улли минора**” ва “**Гўк минора**” ҳам деб аташади. Минора худди осмонимизга ўхшаб кўк рангда, осмонимиздек мусаффо, мафтункордир. Бир кун давомида яъни тонгдан то тун ботгунча минорани кузатадиган бўлсак, тонгдан то тун ботгунча даврдаги ранглар алмашинувига гувоҳ бўлиб хайратланамиз. Бундай гўзалликни кўриб ўша давр уста архитекторларининг ҳеч қандай механикаси оддий қўл меҳнати орқали меҳр билан яратган гўзалликларига хайратланмай иложи йўқ албатта. Ўз даврининг ёзувчи ва шоирлари минора ҳақида шеърлар ҳам битишган. Минорани қуриб битқазилмаганлиги ҳақида бир неча афсоналар ҳам бор. Минора қурувчи устага Хива хони энг баланд минорани қурасан деб амр қилибди. Минора битай деб қолганда уни овозаси

⁴ К. Худойберганов. “Хива” 42 бет

Бухоро амирининг қулоғига етибди. Бухоро амири уста билан шартнома тузиб, Хивадаги минорани битказгач бундан ҳам баланд минорани Бухорода қуриш керак эди. Бу янгиликдан ғазабланган Хива хони минора битгач устани ўлдиришни буюрибди. Устага эса минорадан пастга тушмай ишлашини буюрибди. Хива хонининг бу фикридан ҳабар топган уста катта қанот ясаб учиб кетибди. Шу сабабдан ҳам минора ниҳоясинига етмай **калта минора** бўлиб қолган экан. Хиваликлар минорани **калта минора** деб аташлари балким шу ривоят билан ҳам боғлиқдир.

Яна бир бизларгача етиб келган афсонага кўра кечаю-кундуз ишлаб минора жуда ҳам балан қилиб қуриб ниҳоясига етқазибди. Минора шунчалик улуғворлигдан кечаю-кундуз худди ертақлардагидек, баланд бўйли химоячи сифатида мўжизакор шаҳарни кўриқлаб тургандек туюларди. Бундай баланд минора халқ тилида **“Улли минора”** деб атала бошланди. Бундай улкан, кўркем минораси билан Хиваликлар ва хон жуда фахрланишар эди. Бир куни тонг сахарда намозга азон чақирилаётган пайтда миноранинг энг юқори қисми ички қисмига қулаб тушади ва шундан кейин минорага чиқмай қўйишади. Хивани саёхат қилсангиз маҳаллий аҳолидан шунга ўхшаган афсоналарни жуда кўп эшитасиз, улар жуда қизиқарли хикоячалардир.

Яна бир ривоятда эса Муҳаммад Аминхон ўз юртини узоқ мамлакатлардаги душманлардан химоя қилиш мақсадида назорат учун ҳам баланд қилиб минора қурдира бошлабди, ташқи қисмини пастдан юқорига бўйлаб кўк рангдаги сиркор кошинлар билан безашлигини буюрибди. Лекин минора ярмига етганда хон халок бўлади. Муҳаммад Аминхон бошлаган минора қурилишини ҳеч ким давом эттирмайди. Шу сабабдан минора **битмай қолган минорага** айланиб, халқ орасида **калта минор** ҳам деб атала бошлайди.

Саёхатчиларимиз билан калта минорани ўрганиб томоша қилиб бўлгач навбатдаги минора билан танишиш учун юқорига жануб томонга йўл оламиз. Саёхатчиларимизни навбатдаги минора қаршисига тўплаймиз. Қаршимиздаги кўркем минора **Ислом хўжа минорасидир**. Бутун **ичан қалъа** ва **дишан қалъанинг** маълум бир мажмуаларига ҳам **пиёда** ҳолатда саёхат уюштирамиз. Хива бошқа шаҳарлар билан фарқ қилган ҳолда, **транспорт ёрдамисиз**, асосан **пиёда саёхат** олиб бориладиган **музей шаҳардир**.

Хулоса

Қадим замонлардан, яъни эрамыздан аввал юртимизда шаҳарлар қурилишига катта эътибор қаратишган. Шаҳарларда қурилган миноралар гўзаллик бобида худди бирбирлари билан беллашаётгандек кўринишади. Яни бирбирларини такрорламаган ҳолда ҳар бир минора ўз услуби, танланган ранги ва шаклига эга усталар бор махоратини ишга солганлигини намоён қилиб

туради.Агар биз саҳрода бунёд этилган Хива шаҳрини масофадан туриб кўрадиган бўлсак,ундаги лойдан қурилган уйлар худди тоғу адирларга ўхшаб бир-бирини устига тахланиб,уларнинг орасидан бўй чўзиб турган миноралар эса гўёки шаҳарни химоя қилаётган бир кучли армияга ўхшаб кўринади.Турли шакл,турли безаклар бериб ишланган миноралар гўзал Хиванинг ички ва ташқи қисмида ўзини кўз-кўз қилиб,савлат тўкиб турибди.

Гўзал минораларию,масжид,мадрасалари,мақбаралари бор қалъа ичидаги Хива шаҳри жуда ҳам қадимий шаҳардир.Унинг қадимийлиги хақида бир қанча афсоналар ҳам тўқилган.Шулардан бирида Сом ибн Нух бир куни овдан кейин баланд бир қирнинг устида ётиб ухлайди ва туш кўради.Тушида ўзининг атрофида уч юзта машъала ёниб турганини кўради.Уйғониб қараса машъалалар йўқ,атрофи эса қум эмиш.Кўрган тушидан хурсанд бўлиб,бу жойни белгилаб қўяди ва иккинчи марта келганида бу ерда қалъа деворини курдиради.Қалъанинг кун ботиш тарафида бир чашма қаздириб сув чиқаради.Шаҳарнинг номи мана шу қазилган чашма сабаб бўлиб келиб чиққан деган фикрлар ҳам бор.Хива кўп марта вайрон бўлиб,қайтадан тикланган экан.Бунга тарих гувоҳдир.

Фойдаланилган Адабиётлар рўйхати .

1. К. Худойберганов “Хива дунёдаги энг кўхна шаҳар”, Тошкент-2012 йил. 34-42 бетлар;162-167 бетлар;304-305 бетлар.
2. Ю.Н.Алескеров «Самарканд», Ташкент- 1976. С69-78;106-174
3. Исмаилова Ж.Х.,Левтеева Л.Г «Путеводитель»,Ташкент-2013 с 68-107
4. Тахир Джульматов «Юный бек» с 129-175